

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**



**“ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ
ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ ВА
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

**МАВЗУСИДА ВАЗИРЛИК МИҚЁСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

26 НОЯБРЬ 2021 ЙИЛ



ТОШКЕНТ- 2021

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
БАНК ИШИ ҲАМДА
БАНК ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

УЎК: 336.7(575.1)
КБК: 65.26(50')

Тақризчилар: **проф.З.А.Умаров**
 доц.З.А.Холмахмадов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли буйруғи ҳамда ОЎМТВнинг 2021 йил 6 мартдаги 122-сон буйруғининг 3-иловасига мувофиқ Тошкент молия институтида 2021 йил 26 ноябрда ўтказилган “Ўзбекистон банк тизимини трансформация қилишнинг фундаментал асослари ва механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами— Т.: ТМИ., 2021. – ____ б.

и.ф.д., проф. Т.З.Тешабаевнинг умумий раҳбарлиги остида

Таҳрир хайъати аъзолари: проф.С.Мехмонов, проф.А.Омонов, проф.Ш.Абдуллаева, доц.С.Арзуманьян, доц.У.Ортиқов, доц.У.Абдуллаев, доц.И.Раҳманов, доц.Ф.Холмаматов, доц.Ш.Давирова, PhD И.Жўраев, PhD Ш.Азимова, PhD Д.Муродова, А.Раҳматов, Б.Максудов..

Мазкур илмий маъруза тезислари тўпламида мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар, тажрибали амалиётчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг етакчи илмий ходимлари, докторант ва мустақил изланувчиларнинг илмий тадқиқот иши натижалари мужассамлашган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир хайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

УЎК: 336.7(575.1)
КБК: 65.26(50')

и виртуальные банки также являются плодом развития информационных технологий

В экономике и бизнесе ИТ-технологии используются для таких операций, как сортировка, обработка и агрегирование данных, а также для организации взаимодействия между компьютерами и участниками процесса. Для того, чтобы информационные технологии функционировали по полной, необходимо уметь ими пользоваться. Таким образом, значительная часть руководителей уделяет большое внимание повышению квалификации своего персонала, а также мониторингу современных экономических новшеств в области ИТ²⁰².

В результате ИТ-технологии в экономике в целом можно определить как совокупность действий по экономической информации с использованием компьютерных технологий для получения оптимального желаемого результата.

Тўлов тизимларининг самарали фаолияти бўйича илғор хориж тажрибаси

***Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна
Тошкент Молия институти, ўқитувчи***

Рақамли технологияларнинг ривожланиши ҳамда янги тўлов инструментларининг вужудга келиши натижасида тўлов хизматлари бозорининг янги иштирокчилари томонидан тўловларни тезкор ва хавфсиз ўтказиб бериш бўйича янги рақобатбардош хизматлари таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, рақамлаштириш тўловларни исталган жойда ва исталган пайтда амалга оширишга имкон бермоқда. Шу сабабли ҳам хориж мамлакатларининг нақд пулсиз тўлов ўтказмаларини амалга ошириш амалиётини миллий тўлов тизими билан қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Турли мамлакатлардаги тўловлар, молия бозорининг инфратизими ва инструментлари тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Халқаро Ҳисоб-китоблар банки томонидан «Қизил китоб» статистик маълумотлари чоп этиб борилади. Дунё мамлакатларининг деярли барчасида ҳозирги пайтда реал вақт режимидаги ҳисоб-китобларни тақдим этувчи тўлов тизимлари мавжуд. Тўлов тизимларининг операцион вақти сутка давомида ишлашгача бориб етмоқда. TARGET2 (Trans-European Automated Real-time Gross Settlement Express Transfer System) тизимида тизимнинг иш вақти 19-00 да бошланиб, кейинги куннинг 18-00гача давом этади. 18-00 дан 19-00 гача бўлган вақтда операцион куннинг ёпилиши ва янги операцион куннинг очилишига тайёргарлик кўрилади. Ушбу график тўлов оқимини тенг тақсимлашга ёрдам беради, банклар ўз ликвидлигини

²⁰² Завиваев Н.С., Проскура Д.В., Шамин Е.А. Информатизация общества, как основа глобальной конкурентоспособности // Азимут научных исследований: экономика и управление. 2019. Т. 5. № 2 (15). С. 234-237.

бошқаришига енгиллик туғдиради, мижозларнинг тўлов хизматларидан фойдаланишларини янада осонлаштиради, тўловларни ўтказиш муддатини қисқартиради.

Халқаро амалиётга мувофиқ, тўлов оқимларини оптималлаштириш учун Марказий (Миллий) банклар томонидан ҳисоб-китобларни ўтказишда нарх сиёсатини белгилашда дифференцион ёндашув қўлланмоқда – белгиланган суммадаги тўловлар учун ўсувчи ва камаювчи коэффициентлар, чегирма ёки устамаларни қўллаш, шунингдек, тизимга айрим қайсидир вақт оралиғида жуда кўплаб тўловлар бир пайтда келиб қолмаслиги учун операцион кун мобайнида тўловлар келиб тушишининг бир маромлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни келтиришимиз мумкин.

Охирги ўнйилликда жаҳон молия бозорларининг кучли интеграциясини кузатишмоқда, шу сабабли миллий ҳуқуқий чегаралар кучсизланиб, трансчегаравий тўловларнинг салмоғи ошиб борапти. Интеграция жараёнларига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллар сифатида тўғридан-тўғри узлуксиз қайта ишлаш принципининг (Straight Through Processing (STP)) жорий қилинишини келтириш мумкин.

STP ҳисоб-китоблар амалга оширилиши технологияларини молиявий ахборотлар алмашинуви доирасида ягона технологик қоидалар ва стандартларнинг қўлланилишини, самарали автоматлашган қайта ишлашни таъминловчи, кўлда амалга ошириладиган операцияларни минималлаштирувчи, кейинчалик умуман кўлдаги операцияларни истисно қилувчи стратегия сифатида келтириш мумкин.

Шундай қилиб, ялпи ҳисоб-китоблар ва нетто ҳисоб-китоблар тизими ривожланишидаги асосий тенденция нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидалари ва жараёнларининг ягона қоидаларга эришилишини таъминлаш, юборилаётган ахборотларнинг молиявий ташкилот – иштирокчининг ўзига хос хусусиятларидан, аниқ бир молиявий операциядан, дастурий-техник комплексдан қатъи-назар, маъно ва мазмун жиҳатидан бир хиллигига эришишдан иборат. Ушбу тенденция доирасида амалга оширилаётган ишлардан асосийси сифатида Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) томонидан 2004 йилда қабул қилинган ISO 20022 (Universal Financial Industry message scheme–молиявий индустрия учун ахборотларнинг универсал схемаси) ни келтиришимиз мумкин.

ISO 20022 Халқаро стандартининг услубиёти молия соҳасида максимал кенг иштирокчилар доирасида қўллаш мумкин бўлган универсал электрон молиявий ва информацион хабарларни ишлаб чиқишга имкон яратади. ISO 20022 Халқаро стандартининг мамлакат тўлов тизимида қўлланилиши молиявий ахборотлар учун STP даражасини оширади, турли молиявий институтларнинг автоматлаштирилган тизимларини бир-бирига мос тушиши муаммосини бартараф қилади, шунингдек, электрон ҳужжатлар қўлланилиш соҳасини кенгайтиради, замонавий инновацион технологиялар ва тўлов инструментларини қўллаш орқали тизимнинг автоматлашиш даражасини оширади.

ISO 2022 Халқаро стандарти Ягона Европа тўлов майдони (Single Europe Payment Area (SEPA)) да, Япония, Бразилия, Жанубий Африка тўлов тизимларида қўлланилади. Федерал резерв тизимининг (АҚШ) трансчегаравий тўловлар учун глобал стандарт IPF (International Payment Framework)ни яратиш бўйича таклифи ISO 2022 Халқаро стандартига асосланади. CLS ва Euroclear каби халқаро тўлов тизимлари ISO 2022 Халқаро стандарти бўйича лойиҳаланган ахборот алмашинувини таъминлайди, бу эса ушбу тизимлар иштирокчиларини ушбу стандартларга ўтишига ундайди.

SWIFT банклараро ахборот тизими ахборотларнинг ҳозирги пайтда қўлланилаётган SWIFT MT форматидан босқичма-босқич равишда ахборотларнинг ISO 2022 Халқаро стандарти услубига асосан лойиҳалаштирилган SWIFT MX форматига ўтишни режалаштирган.

JP Morgan, HSBC, Deutsche Bank ва бошқа йирик банклар дунё бўйлаб ўз mijozларига информацiон ахборотларни ISO 2022 стандарти бўйича лойиҳалаштирилган форматда тақдим қилиш имкониятини яратиб берганлар.

Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳамда қўшни ҳамдўстлик мамлакатларининг электрон тўлов тизимлари фаолиятини таҳлил қилган ҳолда илғор хорижий тажриба асосида қуйидаги имкониятларни мамлакат банклари электрон тўлов тизимига жорий этилиши тизимнинг янада такомиллаштирилишига хизмат қилади:

1. Мамлакатда тўлов тизимларининг рақобатбардошлигини ҳамда сифатини ошириш мақсадида йирик банклар ва уларнинг филиаллари таъсисчилигида бир неча автоматлашган ҳисоб-китоб клиринг тизимларини ташкил қилиш. Бундай ҳисоб-китоб клиринг тизимлари Германия Федерал республикаси, Америка Қўшма Штатларида, Австрия, Швецария, Венгрия каби мамлакатларда фаолият юритади;

2. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан кўрдикки, ҳозирги пайтда тўлов тизимларининг операцион вақти сутка давомида ишлашгача бориб етмоқда. Бундай график тўлов оқимини тенг тақсимлашга ёрдам беради, банклар ўз ликвидлигини бошқаришига енгиллик туғдиради, mijozларнинг тўлов хизматларидан фойдаланишларини янада осонлаштиради, тўловларни ўтказиш муддатини қисқартиради. Марказий банк Банклараро тўлов тизими фаолиятида банкларнинг тўлов тизимидан фойдаланишга бўлган вақт бўйича талабини қайта ўрганиш асносида ушбу тизим ишлаш графигини лозим даражада узайтириш керак;

3. Қозоғистон Банклараро пул ўтказмалари тизими тажрибасидан келиб чиқиб, тўловларни амалга оширишда mijoz ҳисобрақамида етарли пул маблағи мавжуд бўлмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи банк томонидан овердрафт тақдим қилиниши имкониятини амалиётга жорий қилиш банклар учун ҳам, mijozлар учун ҳам иккитомонлама наф келтирувчи таклиф бўлиб ҳисобланади;

4. Швецария давлати тажрибасидан келиб чиқиб, PostFinance компанияси каби Марказий банк тўлов тизимининг рақамли инновацияларига ихтисослашган ва босқичма-босқич равишда анъанавий молиявий

хизматларни рақамли хизматларга алмаштиришга хизмат қилувчи ташкилотнинг жорий қилиниши ва у билан узвий ҳамкорлик Марказий банк тўлов тизимининг рақамли технологиялар билан интеграцион жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади;

5. Европа мамлакатлари, АҚШ, Япония, Бразилия, Жанубий Африка тўлов тизимларида қўлланилаётган ISO 20022 Халқаро стандартининг мамлакат тўлов тизимида қўлланилишини жорий қилиш. Ушбу стандартларнинг жорий қилиниши молиявий ахборотлар учун STP даражасини оширади, турли молиявий институтларнинг автоматлаштирилган тизимларини бир-бирига мос тушиши муаммосини бартараф қилади, шунингдек, электрон ҳужжатлар қўлланилиш соҳасини кенгайтиради, замонавий инновацион технологиялар ва тўлов инструментларини қўллаш орқали тизимнинг автоматлашиш даражасини оширади. Бундан ташқари, IBAN (International Bank Account Number) – банк ҳисобрақамининг халқаро рақамига ўтказилиши замон талаби бўлиб ҳисобланади. IBAN кодли банк ҳисобрақамлари билан ҳамкорлик учун Ўзбекистоннинг яқин келажақда банк тизимида IBAN кодлари билан ишлашнинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

The role and relevance of investment activities in joint-stock companies

*Ташкентский Финансовый Институт,
преподаватель кафедры “Финансы” Куватова Олия Шералиевна
студентка группы ММ-54и Усманова Севара*

As the scale and effectiveness of the ongoing socio-economic reforms in the Republic of Uzbekistan increase, the role, significance and importance of enterprises, which are the basis of the economic system, is growing day by day. In particular, reducing the share of the state, stimulating the rapid development of the private sector, radically increasing its role and importance in the country's economy, improving the system of corporate governance of privatized enterprises and existing joint-stock companies has become one of the most pressing issues. Ways of introduction of joint-stock companies in the Republic of Uzbekistan and effective methods of their management, their improvement are considered as a matter of special importance for today's economy. Therefore, the development of the stock market in the context of modernization of the economy is one of the important tasks in training qualified personnel in this area. The stock market, which emerges during the development of joint stock companies, can have a significant positive impact on the macroeconomic performance of the country. At the same time, it will help boost economic growth.

If growth is the heart of a macroeconomy, then stock market is the pulse of an economy²⁰³. It facilitates companies to raise capital for investments and

²⁰³ www.researchgate.net/post/Stock_markets_roles_in_the_macro_economics_of_a_country Sidharta Chatterjee,